



THE CONCEPT OF BRIBERY CRIMES AND ITS CRIMINAL-LEGAL DESCRIPTION

Allanov Abdumannon Muhiddinovich

Almalyk city prosecutor's office

senior investigator

allanovabdumannon89@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11175238>

ARTICLE INFO

Received: 25th March 2024

Accepted: 30th March 2024

Online: 31th March 2024

KEYWORDS

Guilt, crime, punishment, responsibility, bribery, legal, bribe, subjective party, official, person, risk.

ABSTRACT

In this article, the author focused on the concept of bribery and its criminal-legal description. In addition, in the article, the author gave his opinion on how to study the problem of bribery not only from a criminal-legal point of view, but also in the sense of qualifying and defining the corresponding criminal aggressions, as well as distinguishing them from similar crimes.

ПОНЯТИЕ ПРЕСТУПЛЕНИЯ ВЗЯТОЧНИЧЕСТВА И ЕГО УГОЛОВНО-ПРАВОВАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА

Алланов Абдуманнон Мухиддинович

Алмалыкская городская прокуратура

старший следователь

allanovabdumannon89@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11175238>

ARTICLE INFO

Received: 25th March 2024

Accepted: 30th March 2024

Online: 31th March 2024

KEYWORDS

Вина, преступление, наказание, ответственность, взяточничество, законность, взятка, субъектная сторона, должностное лицо, лицо, риск.

ABSTRACT

В данной статье автор остановился на понятии взяточничества и его уголовно-правовой характеристике. Кроме того, в статье автор высказал свое мнение о том, как изучать проблему взяточничества не только с уголовно-правовой точки зрения, но и в смысле квалификации и определения соответствующих преступных агрессий, а также их разграничения от подобных преступлений.

ПОРАХЎРЛИК ЖИНОЯТЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЖИНОЯТ-ЎҚУҚИЙ ТАВСИФИ

Алланов Абдуманнон Мухиддинович

Олмалик шаҳар прокуратураси

катта терговчиси

allanovabdumannon89@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11175238>



ARTICLE INFO

Received: 25th March 2024

Accepted: 30th March 2024

Online: 31th March 2024

KEYWORDS

Айб, жиноят, жазо, жавобгарлик, порахўрлик, ҳуқуқий, пора, субъектив томон, мансабдор, шахс, хавф.

ABSTRACT

Мазкур мақолада муаллиф порахўрлик жиноятлари тушунчаси ва унинг жиноят-ҳуқуқий тавсифига тўхталиб ўтган. Бундан ташқари, муаллиф мақолада порахўрлик муаммоси нафақат жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан, балки тегишли жиноий тажовузларни квалификация қилиш ва таърифлаш, шунингдек, уларни ухшаш жиноятлардан фарқлаш маъносида ҳам урганганилиши борасидан ўз фикрларини бериб ўтган.

Порахўрлик жиноят коррупциянинг бир кўриниши сифатида қадимда асосан коррупция номи билан аталган. У давлат бошқарувида мансабдор шахслар пайдо бўлган вақтдаёқ вужудга келган. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки бу масала билан барча даврлардаги олимлар, файласуфлар, тарихчилар қизиқ келган. Юнон файласуфи Афлотун ва Арастулар ўз асарларида коррупцияни қоралаб уни сиёсат билан боғлиқ эканини таъкидлаганлар. Жумладан, Арасту бу ҳақда шундай деган “ҳар қандай давлат тузумида энг муҳими – бу қонунлар ва тартиб қоидаларни шундай ташкил этиш керакки, мансабдор шахслар қинғир йўл билан бойлик ортира олмасин. Давлат фаолияти барқарорлигини фақатгина коррупцияни бартараф этибгина таъминлаш мумкин¹”

Порахўр шахслар ҳақида қадимги Бобилнинг миҳхат ёзувларида қайд этилган. Унда миллоддан аввалги XXIV асрда Шумер подшоси Урукагин ўша замонлардаёқ қонунга ҳилоф равишда ҳақ олишга ружу қўйган амалдорларнинг қонунбузилишига чек қўйиш муаммосини ечиш йўллари излаган².

Бундан ташқари, пора олиш ва бериш Қадимги Рим давлатида амалда бўлган XII жадвал қонунларида тилга олинган. Ибтидоий ва илк синфий жамиятда коҳинга, қабила оқсоқолига, ҳарбийлар бошлиққа маълум бир имтиёзларни қўлга киритиш учун пул тўлаш одатий бир ҳол сифатида қаралган³.

Олий мартабали амалдорлар қуйи турувчи “хизматчилар” фақат тайинланган маош билан қаноатланишларини талаб қилганлар. Қуйи турувчи амалдор эса, аксинча ўз хизмат вазифаларини бажарганлари учун арз қилувчилардан маълум миқдорда ҳақ олиб туришни маъқул кўришган. Айни шу дамда Рим ҳуқуқида “соррумпира”, деган атама шаклланган ва у бузиш, пора эвазига оғдириш ибораларининг синоними ҳисобланган ва мансаб мавқеини суиистемол қилишнинг ҳар қандай кўринишларини ифода этган.

Давлатчилик ривожланиб марказлашгани сари у фуқароларнинг мустақиллигини кўпроқ чеклай бошлаган ва шу тариқа қуйи ва олий бўғин амалдорларининг назоратдан

¹ Сinyюкова С.Т. “Понятие и подходы к содержанию коррупции” // Вестник Нижегородской академии МВД России, 2015, №1 29-30-бетлар

² Зуфаров Р.А, Ахроров Б.Ж, Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография // Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. 28 бет

³ Ўша ерда



қутилишни истаган фуқаролар пора беришга туртки берган. Порахўр амалдорлар бошқаларга сабоқ бўлиши учун омманинг кўз ўнгида жазоланганлар, лекин бу тадбир ўз натижасини бермаган, чунки бир порахўр ўрнига бошқаси келар “порахўрлар алмашинуви” юз берар эди. Араблар ҳукмронлиги ўрнатилгач, ўлкада ислом дини қарор топди. Ўлкамизга ислом дини халифа Умар даврида тарқала бошлаган ва араблар Ўрта Осиёни эгалаганларидан сўнг VIII-IX асрлардан бошлаб шариат нормаларидан тўлатқис фойдаланишга ўтилган.

Ислом динида ҳам порахўрлик жиноятлари қаттиқ қораланган. “Пора” араб тилида “ришва” деб аталиб, шарий истилоҳда, ҳақни йўққа чиқариш ва ботилни юзага чиқариш учун бериладиган нарсага айтилган⁴.

Масалан, бировнинг бир нарсада ҳаққи бор, ўша ҳақни олиш учун ҳокимнинг ҳукмига қараб турибди. Иккинчи бир одам келиб ўзи ҳақдор бўлмаса ҳам ҳокимга пул бериб, ўз фойдасига ўша нарсани беришни сўрайди. Ҳоким ўша ишни қилса, ҳақдорнинг ҳақини поймол қилиб, ноҳақдан биров фойдасига ҳукм қилади. Кўриниб турибдики, бу ҳолатда пора берувчи ҳам, пора олувчи ҳам ноҳақ иш қилмоқда, бировнинг ҳақига ҳиёнат қилиб ўз фойдасини кўзламоқда.

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулолоҳ саллолоху алайҳи васаллам ҳукмида пора берувчини ҳам ва пора олувчини ҳам лаънатладилар⁵”.

“Одатда пора олувчини қоралаш маъносида кўп гапирамиз, лекин пора берувчи тўғрисида гапирмаймиз. Ҳолбуки, ушбу ҳадиси шарифда пора берувчи олдин зикр қилинмоқда. Чунки, пора деб номланган иқтисодий, ахлоқий, ижтимоий жиноятни бошловчи пора берувчидир. Бошқа ҳолларда кўпроқ таъма қилгани учун пора берувчи мажбур бўлиб берганини эътиборга олганга ўхшаб кўринамиз.

Аммо ўша “мажбур” бўлиш ҳам икки хил бўлади. Бу ҳолда пора берувчини қандай қилиб узрли дея оламиз? Ҳеч ҳам мумкин эмас. Ундай пора берувчи пора олувчига қўшилиб лаънатга дучор бўлишига ҳам ҳеч бир шубҳа йўқ. Иккинчи ҳолатда пора берувчи порахўр танаси туфайли ўз ҳақига эришиш учун пора беришга мажбур бўлади. Баъзи тобеинлар ва уламолар ушбу ҳолатда пора берувчи узрли ҳисобланади, лаънатга учрамоқлиги умид қилинади деганлар.

Лекин бошқа баъзи уламоларимиз бу ҳолатда ҳам пора берувчи узрли ҳисобланмайди деганлар. Ушбу масалада келган бошқа ҳадиси шарифда учинчи бир шахс пора берувчи билан пора олувчи ўртасида турган воситачи ҳам лаънатланган⁶.

Шариатда қозиларга алоҳида эътибор берилган бўлиб, уларнинг фаолиятидаги коррупциянинг олдини олиш юзасидан шундай дейилган: “Агар одил қози фисқ йўлига кирса, масалан, пора олса, зино қилса ё хамчр ичса – ҳоким уни ишдан четлатур. Бир киши қозиликка пора билан эришса, шариат бўйича у қози ҳисобланмас, агар ҳукм қилса, ҳукми ўтмас(яъни бундай ҳукм бошқа қози томонидан бекор қилинган). Қози ҳеч

⁴ Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо. Монография –Тошкент: Адолат, 1996. 13-бет

⁵Зуфаров Р.А, Ахроров Б.Ж, Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография // Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. 31 бет

⁶ Ўша ерда



кимдан пора олмас, ўзи учун махсус ташкил қилинган зиёфатга бормас, магар кўпчилик чақирилган бўлса, борур⁷.

Темур тузукларида ҳам порахўрликни олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Амир Темур буюк давлат арбоби бўлгани учун унинг давлатида бу каби иллатларини авж олишини олдини олиш бўйича асосий чора сифатида порахўрни жазога тортиш масаласини биринчи ўринга қўйган⁸.

Порахўрлик анча кенг оммалашган, лекин очиш ва тергов қилиш мураккаб бўлган жиноят тури ҳисобланади. Порахўрлик жиноятлари одатда “совға қилиш”, “қарз бериш”, корхонанинг штатига ишчи, ходим сифатида қабул қилиш ва маош тўлаш ёки моддий рағбатлантириш кўринишларида содир этилади. Шу сабабли, мазкур тоифадаги жиноятлар аксарият ҳолларда гувоҳларсиз ва жиноят излари ниқобланган ҳолда содир этилади.

Кўп ҳолларда пора қонуний ҳаракатларни содир этишни тезлаштириш учун берилади ёки ташқаридан унга қонуний ҳаракат туси берилади. Ҳозирги шароитда ҳаётда, жамиятда сифат жиҳатидан туб ўзгаришлар рўй бераётган нафақат ишлаб чиқариш соҳасида, балки бутун ижтимоий муносабатларда, ижтимоий психологияни шакллантиришда, одамлар хулқ-атвори сабаблари ва шаклларида ўз аксини топмоқда.

Маълумки, порахўрлик муаммоси нафақат жиноят-ҳуқуқий жиҳатдан, балки тегишли жиноий тажовузларни квалификация қилиш ва таърифлаш, шунингдек, уларни ухшаш жиноятлардан фарқлаш маъносида ҳам урганилган⁹. Бу олиб борилган тадқиқотларнинг анъанавий юналишларидан бири ҳисобланади, чунки порахўрлик учун жавобгарлик мансабдорлик жиноятлари учун жавобгарлик каби жиноят ҳуқуқининг долзарб ва нозик муаммоларидан бири бўлиб келган ва шу боис доимий равишда ҳуқуқшунос олимларнинг эътиборини жалб қилиб келган¹⁰.

Шу маънода порахўрлик учун жавобгарликни таҳлил қилаётган ҳуқуқшунослар томонидан олиб борилган махсус тадқиқотлар (С.В.Бакланов, Б.В.Волженкин, Н.П.Кучерявый, А.Ф.Оспинников, В.И.Соловев, В.В.Степанов ва бошқалар), кўпроқ мансабдорлик жиноятларига бағишланган тадқиқотлар (В.Ф.Кириченко, Б.С.Утевский, И.А.Гелфанд, Б.В.Здравомыслов, М.Д.Лысов, А.Я.Светлов ва бошқалар)¹¹ муҳим аҳамият касб этади.

⁷ <http://savollar.islom.uz//смф/индекс/пхп?топис=13407wan2>

⁸ Темур тузуклари// Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ. Кароматов тарж; Б. Аҳмедов таҳрири остида/. – Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 88- бет

⁹ Abhishek Thommandru, F.M.Fazilov, S.S.Niyozova. Fortifying Uzbekistan’s integrity landscape: Harnessing India’s tech-driven anti-corruption strategies. Sustainable Futures 7 (2024) 100206. S. 1-12.

¹⁰ Кириченко В.Ф. Ответственность за должностные преступления по советскому уголовному праву (общие вопросы). М., 1956; Соловьев В.И. Борьба с должностными преступлениями, обманом государства и приписками. М., 1963; Здравомыслов Б.В. Должностные преступления: Понятие и классификация. М.. 1975; Лысов М.Д. Ответственность должностных лиц по советскому уголовному праву. Казань. 1972; Светлов А.Я. Ответственность за должностные преступления. — Киев, 1978; Кучерявый Н.П. Ответственность за взяточничество по советскому уголовному праву. — М., 1959; Волженкин Б.В. Квалификация взяточничества. — Л., 1984 ва б.

¹¹ Закутский С.Г. Уголовная ответственность за взяточничество по советскому уголовному праву. Автореф. Канд. Дисс. Т. 1953; Ахраров Б.Д. Уголовная ответственность за злоупотребление властью или должностными



Криминология нуқтаи назаридан мансабдорлик жиноятларини алоҳида гуруҳга ажратиб, бу жиноятларнинг сабаблари тўғисидаги концепцияни ишлаб чиқиш, ушбу жиноятларнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бошқа ўз ечимларини талаб этадиган масалаларни ҳал этиш вазифаси қўйилди.

Айнан ана шу вақтдан бошлаб мансабдорлик жиноятларининг криминологик жиҳатларини тадқиқ этишга фаол киришилди. Бунда алоҳида турдаги жиноятларни тадқиқ этишдан бошлаб мансабдорлик жиноятларининг сабаблари тўғисидаги материалларни умумлаштириш асосида, уларга қарши кураш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга қаратилган махсус умумий концепцияни яратиш бўйича ҳаракат бошланди (В.Г.Танасевич, А.Н.Ларков, В.Б.Ястребов ва бошқалар). Порахўрликни криминологик тадқиқ қилиш унинг жиноий ҳуқуқий жиҳатларини ўрганиш билан биргаликда олиб борилди, лекин социологик ва криминологик йўналиши ҳамон устувор эди.

Бунда нафақат бир қатор криминологик ижтимоий-психиологик масалалар қўйилганлигининг янгилигини, балки услубий ечимларнинг муайян аҳамиятини ҳам таъкидлаш лозим. Уларнинг мураккаблиги кўпинча порахўрлик ва унинг турларининг ўзига хослиги туфайли вужудга келади. Аслида бундай методикани ишлаб чиқиш нафақат бошқарув омиллари ва мансабдор шахслар фаолиятининг хусусиятини, балки кўп психиологик жиҳатларни ҳам ҳисобга олиши керак.

У порахўрликнинг турли кўринишларининг жамият ривожланишида руй бераётган ижтимоий ўзгаришлар борасидаги таҳлилини, тармоқ хусусиятини, порахўрлик тарқалганлигини, турларини ҳисобга олишни, унинг доирасида юз бераётган, ҳозирги сиёсий ва иқтисодий вазиятга катта салбий таъсир этадиган сифат жараёнларини аниқлаш имкониятини назарда тутди.

Бизнинг фикримизча, бу борадаги келгуси тадқиқотларга йўл очиб берадиган В.Г.Танасевич, Б.В.Коробейников, А.Н.Ларков, А.И.Кирпичников, О.Э.Цоколский ва А.К.Квицинияларнинг ишларини алоҳида ажратиб курсатиш мумкин¹². Айтиш мумкинки, илгари ўтказилган тадқиқотлар ўзининг аҳамиятига кўра муаммони “бартараф этмайди” ва мавзу тула ўрганилган дейиш учун асос бўла олмайди.

ЖКнинг 212-моддасида назарда тутилган жиноятдир. Кенг маънода эса “порахўрлик” учта жиноят таркибини: пора олиш, пора бериш ва пора олиш-беришда воситачилик қилишни қамраб олади (ЖКнинг 210, 211, 212-м.). Мазкур жиноий тажовузларнинг ўзаро нисбатига доир қарашлар ҳам турлидир. Айрим олимлар уларни ягона жиноят – порахўрлик деб биладилар. Бошқалар эса уларни мустақил жиноятлар,

полномочиями. Автореф. канд. Дисс. — Т., 1989; Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взятки. Автореф. канд. дисс... — Т., 1994.

¹² Танасевич В.Г. Борьба с должностными преступлениями. // Вопросы советской криминологии. Ч. 1. - М., 1976 — 149-162-бетлар; Ларьков А.И. Проблемы борьбы с должностными преступлениями. — М., 1977; Сокольский О.Э. Значение криминологического анализа в борьбе со взяточничеством. // Борьба с должностными преступлениями. - М., 1977. - 79-94-бетлар; Кирпичников А.И. Криминологические исследования взяточничества. // «Соц. законность», №12, 1975; Квициния А.К. Взятничество и борьба с ним. Уголовно-правовое и криминологическое исследование по материалам Грузинской ССР. Автореф. канд. дисс. - М.: МГУ, 1978.



деб ҳисоблайдилар. Баъзи олимлар уларда зарур иштирокчиликни – жиноятни содир этишнинг алоҳида шаклини кўрадилар¹³.

Масалан, Б.В.Здравомыслов жиноят қонуни матнига асосланиб кўрсатилган тажовузлар турларининг ҳар бирини ўзига хос бўлган ҳаракат тавсифи, қасднинг мазмуни ва субъект белгилари бўлган мустақил жиноятлар деб ҳисоблайди¹⁴.

Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан бундай фикр етарли даражада асосланган, чунки у нафақат қонунчилик лексикасига таянган, балки мазкур жиноятларнинг турли моҳияти, табиати ва хусусиятини ҳисобга олади.

Шу билан бирга келтирилган ва ҳуқуқий адабиётда устувор ҳисобланган нуқтаи назар ҳатто анъанавий жиноят-ҳуқуқий таҳлил доирасида кенгроқ ёндашувга асосланган бошқа фикрларнинг қонунийлигини мутлақо истисно этмайди. Бундай ёндашув ҳодисанинг моҳиятини ва характерини, порахўрликнинг амалдаги ҳақиқий қурилишларини тулиқроқ ва аниқроқ ҳисобга олади. Аслида “порахўрлик” тушунчаси мустақил, лекин бирбири билан боғлиқ бўлган жиноятларни қамраб олиши ҳақида фикр юритилмоқда.

“Порахўрлик” бошқа аксарият жиноятлардан фарқли улароқ камида иккита жиноят субъекти (ёки пора олувчи ва пора берувчи, ёки пора берувчи ва воситачи)нинг албатта мавжудлигини назарда тутди. Бошқа сўз билан айтганда, бу бир бутун жиноятда бир неча субъектларнинг жиноий фаолияти ягона жиноий мақсад билан бирлашади ва бир бирини узаро тўлдиради¹⁵.

Бу жиноятлар бир бутунлиқни ташкил этиб, бири иккинчисиз мавжуд бўлмайди. Чунки “пора берувчи булмаса, пора олувчи булмайди” ва айнан шу тарзда “пора берилмаса — пора олинмайди”, деб айтилади.

Шу билан бирга келтирилган ва ҳуқуқий адабиётда устувор ҳисобланган нуқтаи назар ҳатто анъанавий жиноят-ҳуқуқий таҳлил доирасида кенгроқ ёндашувга асосланган бошқа фикрнинг қонунийлигини мутлақо истисно этмайди. Бундай ёндашув ҳодисанинг моҳиятини ва характерини, порахўрликнинг амалдаги ҳақиқий қурилишларини тўлиқроқ ва аниқроқ ҳисобга олади. Аслида “порахўрлик” тушунчаси мустақил, лекин бир-бири билан боғлиқ бўлган жиноятларни қамраб олиши ҳақида фикр юритилмоқда. “Порахўрлик” бошқа аксарият жиноятлардан фарқли равишда камида иккита жиноят субъекти (ёки пора олувчи ва пора берувчи, ёки пора берувчи ва воситачи)нинг мавжудлигини назарда тутди. Бошқача айтганда, бу бир бутун жиноятда бир неча субъектларнинг жиноий фаолияти ягона жиноий мақсад билан бирлашади ва бир-бирини ўзаро тўлдиради.

Хулоса қиладиган бўлсак, жиноят-ҳуқуқий таҳлил доирасида “порахўрлик” тушунчасидан операцион комплекс тушунча сифатида фойдаланиш ўринли. Аслида, айнан шу маънода бу тушунча илмий муомалага кенгроқ кириб боради. Умуман айтганда, жиноят ҳуқуқи тушунчаларининг йиғиндисиди “янги тушунчалар пайдо

¹³ Яни П.С. Взятничество и должностное злоупотребление: уголовная ответственность. – М.: Интелсинтез. 2002. – С. 10-13.

¹⁴ Б.В.Здравомыслов. Должностные преступления. Понятие и квалификация. М., 1971.124-бет.

¹⁵ Сокольский О.Э. Значение криминологического анализа в борьбе со взяточничеством. // Борьба с должностными преступлениями. — М., 1977. — 79-бет.



бўлиши ҳамда анъанавий тушунчалар бойитилиши билан боғлиқ сезиларли ўзгаришлар юз бермоқда.

References:

1. Синюкова С.Т. “Понятие и подходы к содержанию коррупции”// Вестник Нижегородской академии МВД России, 2015, №1 29-30-бетлар
2. Зуфаров Р.А, Ахроров Б.Ж, Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография // Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. 28 бет
3. Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо. Монография –Тошкент: Адолат,1996.13-бет
4. Зуфаров Р.А, Ахроров Б.Ж, Мирзаев У.М. Коррупция. Қонун. Жавобгарлик. Монография // Маъсул муҳаррир: ю.ф.д., проф. М.Х.Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2011. 31 бет
5. <http://savollar.islom.uz//смф/индекс/пхп?топис=13407wap2>
6. Темур тузуклари// Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ. Кароматов тарж; Б. Аҳмедов таҳрири остида/. – Т.: Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1991. 88- бет
7. Abhishek Thommandru, F.M.Fazilov, S.S.Niyozova. Fortifying Uzbekistan’s integrity landscape: Harnessing India’s tech-driven anti-corruption strategies. Sustainable Futures 7 (2024) 100206. S. 1-12.
8. Кириченко В.Ф. Ответственность за должностные преступления по советскому уголовному праву (общие вопросы). М., 1956; Соловьев В.И. Борьба с должностными преступлениями, обманом государства и приписками. М., 1963; Здравомыслов Б.В. Должностные преступления: Понятие и классификация. М.. 1975; Лысов М.Д. Ответственность должностных лиц по советскому уголовному праву. Казань. 1972; Светлов А.А. Ответственность за должностные преступления. — Киев, 1978; Кучерявый Н.П. Ответственность за взяточничество по советскому уголовному праву. — М., 1959; Волженкин Б.В. Квалификация взяточничества. — Л., 1984 ва б.
9. Закутский С.Г. Уголовная ответственность за взяточничество по советскому уголовному праву. Автореф. Канд. Дисс. Т. 1953; Ахроров Б.Д. Уголовная ответственность за злоупотребление властью или должностными полномочиями. Автореф. Канд. Дисс. — Т., 1989; Зуфаров Р.А.Уголовная ответственность за получение взятки. Автореф. канд.дисс... — Т., 1994.
10. Танасевич В.Г. Борьба с должностными преступлениями.//Вопросы советской криминологии. Ч. 1.-М., 1976 — 149-162-бетлар; Ларьков А.И. Проблемы борьбы с должностными преступлениями. — М., 1977; Сокольский О.З.Значение криминологического анализа в борьбе со взяточничеством. // Борьба с должностными преступлениями.- М., 1977.-79-94-бетлар; Кирпичников А.И.Криминологические исследования взяточничества. // «Соц.законность», №12, 1975; Квициния А.К.Взяточничество и борьба с ним. Уголовно-правовое и криминологическое исследование по материалам Грузинской ССР. Автореф.канд.дисс.-М.: МГУ, 1978.
11. Яни П.С. Взяточничество и должностное злоупотребление: уголовная ответственность. – М.: Интелсинтез. 2002. – С. 10-13.



12. Б.В.Здравомыслов. Должностные преступления. Понятие и квалификация. М., 1971.124-бет.
13. Сокольский О.Э. Значение криминологического анализа в борьбе со взяточничеством. // Борьба с должностными преступлениями. — М., 1977. — 79-бет.